

## Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари



**Хамидов Асилбек Алишер ўғли**  
Криминология тадқиқот институти  
илмий ходим-тадқиқотчиси, капитан  
E-mail: [alfalawyeruzb@gmail.com](mailto:alfalawyeruzb@gmail.com)  
Phone: +998 94 822-28-51

**Аннотация:** мақолада ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш фаолиятининг бугунги аҳволи, тизимдаги айрим ташкилий-ҳуқуқий муаммолар, бу соҳадаги хорижий давлатлар тажрибалари ҳамда уларни маҳаллий амалиётга татбиқ этиши, шунингдек терговчи ва суриштирувчиларнинг иш вақти ва ҳажмини тартибга солиш масалаларига эътибор қаратилган.

**Таянч сўзлар:** терговчи, суриштирувчи, иш вақти, иш ҳажми, тақсимот, меҳнат таътили, ҳудудий ИИО бошлиғи, бўйсунув.

**Аннотация:** в статье рассматривается текущее состояние деятельности органов внутренних дел по расследованию преступлений, организационно-правовые проблемы, опыт зарубежных стран в данной сфере и их внедрение в отечественную практику, а также вопросы регулирования рабочего времени и объема работы следователей и дознавателей.

**Ключевые слова:** следователь, дознаватель, рабочее время, объем работы, распределение, трудовой отпуск, начальник территориального ОВД, подчиненность.

**Annotation:** the article examines the current state of the activities of internal affairs bodies in investigating crimes, organizational and legal problems, the experience of foreign countries in this area and their implementation in domestic practice, as well as issues of regulating the working hours and volumes of investigators and inquiry officers.

**Key words:** investigator, inquiry officer, working hours, workload, distribution, vacation, head of the territorial Department of Internal Affairs, subordination.

**Қириш.** Бугунги кунда жиноятчиликка қарши курашиш, айниқса жамиятда кенг тарқалаётган иқтисодий ва кибержиноятлар, фирибгарлик ва молиявий қонунбузарликларни самарали фойда этиш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ҳал қилувчи ўрин тутди. Чунки жиноятларни тез, тўлиқ ва ҳолисона тергов қилиш, жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш айнан ушбу бўлинмалар фаолияти самарадорлигига бевосита боғлиқдир.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини ислоҳ қилиш, жиноят ишларини юритиш тизимини замонавий талаблар асосида такомиллаштириш, тергов органларининг мустақиллиги ва масъулиятини оширишга қаратилган кенг қўламли ташкилий-ҳуқуқий чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, жиноят содир этиш усуллариининг мураккаблашиб бораётгани, рақамли технологиялардан фаол фойдаланиш, трансмиллий жиноятчилик хавфининг ортиши тергов бўлинмалари олдига янги вазифаларни қўймоқда. Бу эса уларнинг ташкилий тузилмаси, ҳуқуқий мақоми, ваколатлари ҳамда фаолиятни мувофиқлаштириш механизмларини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятида айрим ташкилий-ҳуқуқий муаммолар мавжуд бўлиб, улар тергов ҳаракатларининг самарадорлигига, ишларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқишга, қолаверса тергов органи мустақиллигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Хусусан, тергов бўлинмалари ходимларининг иш вақти ва иш ҳажмини нормаллаштириш, иш юқламасини тўғри тақсимлаш, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш каби масалалар илмий-назарий ва амалий жиҳатдан чуқур ўрганишни талаб этади.

Шу муносабат билан мазкур мақолада ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари комплекс тарзда таҳлил қилиниб, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ҳамда илғор хорижий тажрибалар асосида ушбу соҳани янада ривожлантиришга қаратилган илмий-амалий таклиф ва хулосалар ишлаб чиқиш мақсад қилиб олинган.

**Мавзуга оид адабиётлар таҳлили.** Мазкур тадқиқот доирасида ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятига оид миллий ва хорижий илмий манбалар комплекс таҳлил қилинди. Ўрганилган адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, жумладан тергов бўлинмалари фаолиятини такомиллаштириш масалалари ҳуқуқшунослик фанининг долзарб йўналишларидан бири ҳисобланса-да, мавжуд илмий изланишларнинг аксарияти ушбу бўлинмалар фаолиятининг алоҳида функционал жиҳатларини тадқиқ этиш билан чекланган.

Хусусан, А.Нурматов “Жиноят ишини тугатишда шахс ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда тергов бўлинмалари раҳбарларининг идоравий назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш”, Ш.Шерматов “Ички ишлар органларида тергов департаментининг вазифа ва функцияларини мақбуллаштириш”, “Ички ишлар органларида тергов хизматини вазифа ва функцияларини белгиланишининг ривожланиш босқичлари”, А.Дўстмуродов “Тергов-тезкор гуруҳи фаолиятини такомиллаштиришни амалга оширишга доир халқаро тажриба”, Б.Исматов “Ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларида амалга оширилаётган ислохотлар”, Н.Усмоналиев “Суриштирув ва тергов органларининг жиноятларни олдини олиш

функцияси ва ҳуқуқий тартибга солиниши”, М.Саидов “Терговчилар ва суриштирув органларининг хорижий давлатлар ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлигининг янги йўналишларини ривожланиш истикболлари ва муаммолари” каби мавзуларда маҳаллий даражада изланишлар олиб борганлар.

Ўз навбатида, илмий манбаларда жиноятларни квалификация қилишнинг назарий-амалий масалалари, тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси, жиноятларни фош этишда бошқа хизматлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликни такомиллаштириш, шунингдек, тергов жараёнида процессуал қафолатларни таъминлашга қаратилган масалалар кенг ёритилган. Бу йўналишдаги тадқиқотлар тергов фаолиятининг мазмуний томонларини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этса-да, тергов бўлинмаларининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини комплекс равишда ўрганишга нисбатан етарлича эътибор қаратилмаганини кўрсатади.

Айниқса, тергов бўлинмаларининг тизимдаги ўрни, ташкилий тузилмаси, ҳуқуқий мақоми, ваколатлар тақсимооти, идоралараро мувофиқлаштириш механизмлари ҳамда бошқарув самарадорлигини ошириш масалалари бўйича илмий тадқиқотлар сони чекланган. Мазкур ҳолат амалдаги қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти ўртасидаги айрим муаммоларни илмий жиҳатдан чуқур асослаб бериш имкониятларини чеклаб қўяётганини кўрсатади.

Шу билан бирга, миллий ҳуқуқшуносликда ички ишлар органлари тергов бўлинмалари фаолиятига тааллуқли айрим масалаларни ўрганган ўзбек олимлари ва амалиётчи мутахассисларнинг илмий ишлари мавжуд. Уларда, асосан, тергов органларининг ҳуқуқий асослари, тергов фаолиятини такомиллаштириш йўналишлари, кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонун устуворлигини таъминлаш масалалари таҳлил қилинган. Бироқ ушбу тадқиқотлар кўп ҳолларда умумий ёки алоҳида муаммолар кесимида олиб борилган бўлиб, тергов бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини тизимли ва комплекс ёндашув асосида ёритиб бермайди.

Хорижий илмий адабиётлар таҳлили ҳам шуни кўрсатадики, ривожланган давлатларда тергов органлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари, асосан, институционал мустақиллик, ихтисослашув даражаси, рақамли криминалистика воситаларини жорий этиш ва идоралараро ҳамкорликни кучайтириш нуқтаи назаридан ўрганилган. Бироқ мазкур тажрибаларни миллий ҳуқуқий тизимга мослаштириш масалалари алоҳида илмий асосланишни талаб қилади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари фаолиятини такомиллаштиришнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини комплекс, тизимли ва амалий жиҳатдан таҳлил қилишга қаратилган илмий тадқиқотларга эҳтиёж мавжуд. Мазкур мақола айнан шу илмий бўшлиқни тўлдиришга қаратилган бўлиб, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибалар асосида ушбу

соҳани ривожлантиришга хизмат қиладиган илмий-амалий хулоса ва таклифлар ишлаб чиқишни мақсад қилади.

**Тадқиқот методологияси.** Тадқиқот давомида ички ишлар органлари тергов бўлинмалари ходимларининг иш ҳажми, юкламаси, ишларни тақсимлаш ҳолати, ҳудудий ички ишлар органлари бошлиқларига бўйсунув тартиби ўрганилди. Мавжуд тизим самарадорлиги тадқиқ қилинди. Таҳлиллар давомида илмий билишнинг тизимли, қиёсий ва статистик таҳлил каби услубларидан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** Сўнгги йиллардаги глобаллашув [1] шароитида жамоат тартиби ва хавфсизлигига янгидан-янги таҳдидлар тобора кучайиб, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини кафолатлаш ҳамда ҳимоя қилиш мураккаб вазифага айланмоқда. Бундай таҳдидлар фонида жиноятларнинг сони ва турлари ҳам ошиб бормоқда.

Хусусан, Ўзбекистонда, сўнгги беш йилда (2020-2025) жиноятчилик даражаси 40,0 фоизга (62 081 тадан 155 003 тага)га ортди. Ўз навбатида бу ҳолат ички ишлар органларининг жиноятларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимида асосий бўғинлардан бири бўлган, шунингдек **айб учун жавобгарлик** [2] ва **жавобгарликнинг муқаррарлиги** [3] принципларини қарор топтириш жараёнида бевосита иштирок этувчи тергов бўлинмалари ходимлари зиммасига янада катта масъулият юкламоқда.

Шунга мувофиқ, Ўзбекистонда жиноятчилик борасидаги янги чақириқларга жавобан ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда замон талабларига монанд ташкил этиш йўналишида бир қатор самарали чора-тадбирлар амалга оширилди.

**Биринчидан,** Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 18 апрелдаги **ПҚ-2898-сон қарори** қабул қилинди. [4]

Қарорга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Тергов департаменти тўғрисидаги Низом қабул қилинди ва унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, вазифа ва функциялари;

жиноятларни тергов қилиш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари;

тергов бўлинмаларига лавозимга тайинлаш, уларга нисбатан интизомий ва жиноий иш қўзғатиш тартиби;

тергов бўлинмаларининг мустақиллиги, иш ва бўйсунув тартиби тўғрисида зарурий нормалар белгиланди.

**Иккинчидан,** Ички ишлар вазирининг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 12 июндаги **100-сонли буйруғи** имзоланди. [5]

Буйруққа биноан:

ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг ҳуқуқий асослари;

бўлинмаларнинг вазифа ва функциялари;

бўлинмаларда хизматни ўташ тартиби;  
суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини ташкил этиш тартиби;  
ходимларнинг ҳуқуқий мақоми, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари  
норматив жихатдан мустаҳкамлаб қўйилди.

**Учинчидан,** Вазирлар Маҳкамасининг “Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимлари томонидан жиноятларни тергов қилиш ҳамда фош этиш самарадорлигини янада ошириш тўғрисида” 2017 йил 15 сентябрдаги 727-сонли қарори қабул қилинди. [6]

Қарорга асосан:

“Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимларига қўшимча устамалар тўланадиган махсус малака даражасини бериш тартиби тўғрисида” Низом тасдиқланди;

Низомга асосан тергов бўлинмаларининг терговчиси ва суриштирувчилари фаолиятини баҳолаш ва шунга мувофиқ рағбатлантириш тартиби ишлаб чиқилди.

**Тўртинчидан,** давлат раҳбарининг “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 28 январдаги ПҚ-105-сон қарори имзоланди. [7]

Қарорга асосан:

“Электрон суриштирув ва дастлабки тергов” ахборот тизими ишга туширилди;

унга кўра, 29 та давлат органлари ва ташкилотлари электрон ахборот тизимлари интеграция қилинди;

электрон ҳужжат алмашиш йўлга қўйилди.

Шу билан биргаликда, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилик нормаларини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида ички ишлар органлари тергов бўлинмаларининг иш фаолияти сезиларли равишда тартибга солинди, соҳа рақамлаштирилиб, ортиқча қоғозбозликка чек қўйилди. Мавжуд лавозимларнинг жозибадорлиги оширилди.

Юқоридаги каби бир қатор самарали ислохотлар амалга оширилганлигига қарамасдан, тергов бўлинмалари фаолиятида бир қатор ташкилий-ҳуқуқий муаммолар сақланиб қолмоқда.

**Хусусан, ҳуқуқий йўналишда:**

тергов бўлинмалари ходимларининг ички ишлар органларида хизматни ўташ юзасидан ИИО бошлиқларига бўйсунуви;

жиноят ишларини тақсимлаш тизимининг самараси пастлиги;

ходимларнинг иш кўрсаткичларини баҳолаш тизимининг самарадорлиги юқори эмаслиги.

**Шунингдек, ташкилий йўналишда:**

иш вақтининг амалдаги қонунчилик ҳужжатларига монанд ташкил этилмаслиги;

ортиқча ва самарасиз вазифаларнинг кўплиги каби муаммолар кўзга ташланмоқда.

Қуйида ушбу муаммолар батафсил таҳлил қилинади.

Хусусан, тергов бўлинмалари ходимларининг ички ишлар органларида хизматни ўташ юзасидан ИИО бошлиқларига бўйсунуви тартиби тергов органлари мустақиллиги чекланишига олиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 18.04.2017 йилдаги “Ўзбекистон Республикаси ИИОнинг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 18 апрелдаги 2898-сон қарорининг 2-банди 5-хатбоши ҳамда ушбу қарор ижроси юзасидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки тергов фаолиятини ташкил этиш самарадорлигини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ички ишлар вазирининг 2017 йил 12 июндаги буйруғида суриштирув ва дастлабки тергов бўлинмалари хизматни ўташ юзасидан ҳудудий ИИО бошлиқларига бўйсунуви белгиланган.

Жиноят-процессуал кодексининг 36 ва 38<sup>1</sup>-моддаларига кўра, терговчи терговнинг, суриштирувчи эса суриштирувнинг йўналишларига оид барча қарорларини мустақил (*прокурор ва судья рухсатини олиш талаб этиладиган ҳоллар бундан мустасно*) равишда қабул қилади. Шунга кўра улар тўлиқ мустақилдир ва фақат қонунга бўйсунадилар.

Бироқ, юқоридаги бўйсунув тартиби мазкур қонун билан белгиланган мустақилликни чеклаб қўяди. Ушбу норма сабабли шундоқ ҳам иш ҳажми катта бўлган терговчи ва суриштирувчилар уларга алоқаси бўлмаган ортиқча йиғилишларга жалб этилиши, юритувида бўлган терговга қадар текширув ва жиноят иши ҳужжатлари бўйича ИИО бошлиқларига ҳисоб бериши талаб қилиниши ҳамда иш юритувга ноқонуний аралаштиришлар кузатилмоқда. Бу эса ходимларни иш юритувидаги ҳужжатлар бўйича ваколати бўлмаган шахсларга ҳисоб беришга ва жиноят ишларини ошкор этишига мажбур қилади. Бу эса ушбу бўйсунув тартибини тергов бўлинмалари иш юритувдаги ишларга аралаштириш воситасига айлантириб қўяди. Ўз навбатида бу ҳолат жиноят ишлари бўйича махсус хабарларнинг асл ҳолатида эмас, ИИО бошлиғи кўрсатмаси асосида, ҳодисаларнинг оқибатлари енгиллаштирилган ҳолатда берилишга, жиноят ва ҳодисалар ҳақида ўз вақтида тўғри қарор қабул қилиш кечикишига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра суриштирувчи ва терговчилар томонидан алоҳида тергов қилиниши тартиби белгиланганлиги тергов сифатига салбий таъсир кўрсатмоқда.

“Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2017 йил 6 сентябрдаги ЎРҚ-442-сон Қонуни [8]га асосан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар бўйича суриштирув суриштирувчи, оғир ва ўта оғир жиноятлар юзасидан дастлабки тергов терговчи томонидан ўтказилиши белгиланган.

Мазкур норма тергов бўлинмаларида мураккаб жиноят ишлар бўйича тузиладиган тергов гуруҳи раҳбари бўладиган терговчилар томонидан номигагина тергов гуруҳи тузилиб, оғир ва ўта оғир жиноятлар бўйича

тергов амалда гуруҳ аъзоси бўлган суриштирувчи томонидан олиб борилишига сабаб бўлмоқда. Шунга кўра суриштирувчи гуруҳ аъзоси бўлса-да оғир ва ўта оғир жиноятларни бевосита тергов қилади ва мумкин бўлмаса ҳам терговчи номидан амалда ўзи мустақил қарор қабул қилади.

Қолаверса, гуруҳ аъзоси бўлган суриштирувчи томонидан оғир ва ўта оғир жиноятлар тергов қилиниши натижасида салбий оқибатлар келиб чиқса, *(масалан, оқлов кузатилса ёхуд қонунбузилиш ҳолатлари аниқланса)* ўзи эмас, гуруҳ раҳбари бўлган терговчи жавобгар бўлиши ҳолатлари кўплаб учрамоқда.

Шу билан бирга тергов раҳбарлари мазкур қонунга зид равишда иш ҳажмининг кўплиги важи билан оғир ва ўта оғир жиноятларни суриштирувчиларга топшириши натижасида тергов сифати янада тушиб кетмоқда.

Бундан ташқари, тергов бўлинмаларида иш вақтининг амалдаги қонун ҳужжатлари талаблари асосида йўлга қўйилмаганлиги ходимларнинг ишга бўлган муносабати ёмонлашишига ҳамда малакали кадрларнинг бошқа ишларга ўтиб кетишларига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.11.2017 йилдаги “ИИО кадрлари билан ишлаш ва уларнинг хизматини ташкил этиш тартибини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарорига асосан ИИО ходимларининг ҳафталик иш вақти 40 соатдан ошмаслиги *(қўшимча хизмат ва алоҳида ҳолатлар бундан мустасно)* қайд этилган.

Бироқ, ИИО тергов бўлинмаларида иш вақти амалда чегараланмаган. Терговчи иш ҳажми кўпайиб кетганлиги важи билан *(деярли ҳар доим иш ҳажми кўп бўлган)* тунги вақтларга қадар ишлашга мажбур бўлади. Иш вақти одатда 08-30 дан тунги 23-00 га қадар *(кунига ўртача 14 соат)* давом этади. Бу эса кунлик меъёр бўлган 8 соатдан анча кўп. Шундай бўлса-да, ортиқча ишланган вақт учун қўшимча пул маблағларини тўлаш йўлга қўйилмаган.

Шундай муаммолардан яна бири, тергов бўлинмалари ходимларининг иш натижаларига кўра баҳоланмаслиги ва рағбатлантирилмаслигида намоён бўлади.

Тергов бўлинмалари ходимларининг иш ҳажми ҳар доим ҳам бир хил бўлмаслиги сабабли бажарилган ишлар ҳажми ва сифатида ҳам фарқлар вужудга келади. Яъни терговчи юритувида бўлган жиноят ишларини тамомлаш даражаси ҳар хил бўлади. Бироқ, юқори иш натижаларига эга бўлган ходим ҳам ўзидан паст натижаларга ва тамомлаш фоизларига эга ходим билан бир хил миқдорда иш ҳаққи олади. Чунки терговчиларни тамомлаш кўрсаткичларига қараб қўшимча устамалар бериш масаласи белгиланмаган. Шунга кўра, юқори кўрсаткичга эришиш рағбатлантирилмаслиги сабабли терговчилар ўртасида ижобий рақобат вужудга келмаган ва бунинг натижасида самарадорлиги юқори терговчилар ҳам олдинга интилишни тўхтатиши кузатилмоқда.

**Хулоса ва таклифлар.** Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиқадики, тергов органларининг чинаккам мустақиллигини ва шаффофлигини

таъминламасдан, касбнинг жозибадорлигини оширмасдан ва амалдаги норматив ҳуқуқий-ҳужжатлардаги камчиликларни бартараф этмасдан тергов органлари самарадорлиги ва иш сифатини ошириш имконсиз.

Амалдаги ҳолат сақланиб қолса ва такомиллаштирилмаса яқин келажакда тергов органларида малакали мутахассислар етишмаслиги, тергов органига бўлган халқнинг ишончи янада тушиб кетиши мумкин.

Шунга кўра, мазкур камчиликларни бартараф этиш учун тергов органларининг ҳудудий ИИО бошлиқларига бўйсунитиш тартибини бекор қилиш, суриштирувчи штатини терговчи штатига қайта ўзгартириш, ходимларга ойлик иш натижаларига кўра кўшимча устамалар бериш тартибини жорий этиш ҳамда иш вақтини амалдаги қонун талаблари асосида ташкил этиш, шунингдек ортиқча вақт сарфланишига сабаб бўладиган вазифалар (*судларда амалиёт ўташ, бошқа соҳавий хизматларга уларнинг юритувидаги мурожаатлар бўйича ёзма кўрсатмалар тайёрлаб бериш каби*лар)ни бекор қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Маънавият асосий тушунчалар луғати. // Ж. Назаров ва б. – Тошкент: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти” нашриёти, 2021. – 123 б.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган // М.Рустамбаев. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018 – 48 б.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Том 1. Жиноят ҳақида таълимот. Дарслик. 2-нашр, тўлдирилган ва қайта ишланган // М.Рустамбаев. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти, 2018 – 50 б.

4. “Ички ишлар органларининг жиноятларни тергов қилиш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-2898. 18.04.2017 й.

5. “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларида суриштирув ва дастлабки терговни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида” ИИВ 100-сон буйруғи. 12.06.2017 й.

6. “Ички ишлар органларининг тергов бўлинмалари ходимлари томонидан жиноятларни тергов қилиш ҳамда фош этиш самарадорлигини янада ошириш тўғрисида” ВМ 727-сон қарори. 15.09.2017 й.

7. “Ишни судга қадар юритишда ягона идоралараро электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-105-сон. 28.01.2022 й.

8. “Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-442-сон. 06.09.2017 й.



